

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил январь ойининг 08 куни, Тошкент шаҳри жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди, ўзи биносида очиқ суд мажлисида, судья Б.Ташпулатовнинг раислигида, Ж.Абдураимовнинг котиблигида, Янгиҳаёт туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Пардаев, гумон қилинувчи Х.Сафаров ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Буксунбаев ва жабрланувчи З.Мухаммадқуловаларнинг иштирокида,

1996 йил 26 январь куни Жиззах вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, “NEW VOX” МЧЖ иш бошқарувчи, Жиззах вилояти, Зомин тумани, Ёшлар М.Ф.Й., Беруний кўчаси, 2-уйда рўйхатда туриб яшовчи Сафаров Хасан Суюнбой ўғли (*Safarov Xasan Suyunboy o'g'li*)га оид

Ўзбекистон Республикаси ЖК 257-моддасининг 1-қисми билан 1-1012-2401/18-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Суриштирув органи томонидан 2023 йил 18 октябрь куни соат 09-30 ларда Янгиҳаёт тумани “Дўстлик” М.Ф.Й. Спутник-9 даҳаси 61-уй манзилида жойлашган “New Vox” МЧЖда ишловчи З.Мухаммадқулова МЧЖ ҳудудида иш фаолиятини олиб бораётган вақтда қоғоз қутилари ўлчамларга бўлиб берувчи ускунага эҳтиётсизлик оқибатида қўлларини киритиб юбориши натижасида тан жароҳати олиб шифохонага мурожаат қилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 06 октябрдаги №1218-Х-УСМ-БАХ-сонли хулосасига кўра, З.Мухаммадқуловада чап қўл кафти тўлиқ травматик амиутасияси тан жароҳати аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳати оғирлик даражасига кўра “ОҒИР” тан жароҳатига кириши аниқланган.

Суд мажлиси жараёнида жабрланувчи З.Мухаммадқулова ариза билан мурожаат қилиб, Х.Сафаров билан ўзаро ярашиб олганлигини, Х.Сафаров ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб олганлигини, ҳозирда унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, Х.Сафаров билан ихтиёрий ярашганлигини билдириб, жиноят ишини ярашувга асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Х.Сафаров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим этиб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ бартараф қилинганлиги ва у билан ярашганлигини билдириб, жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси 257-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) билан



ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи З.Мухаммадқулованинг ярашув тўғрисидаги аризасини жиний иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Янгиҳаёт туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Пардаев ва гумон қилинувчи Х.Сафаровнинг ҳимоячиси-адвокат А.Буксунбаевнинг жиний ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, Х.Сафаровнинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ бартараф қилинганлигини, жабрланувчи З.Мухаммадқуловага бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи Х.Сафаров, жабрланувчи З.Мухаммадқулованинг хоҳиши билан бўлаётганлигини инобатга олиб, Х.Сафаровга нисбатан юритилган жиний ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи З.Мухаммадқуловага Ўзбекистон Республикасининг Жиний-процессуал кодекси 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиний-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисми ва 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Сафаров Хасан Суюнбой ўғли (Safarov Xasan Suyunboy o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига асосан ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилинсин.

Сафаров Хасан Суюнбой ўғли (Safarov Xasan Suyunboy o'g'li) га оид Ўзбекистон Республикаси ЖК 257-моддасининг 1-қисми билан жиний иши Ўзбекистон Республикасининг Жиний-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига асосан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан туриб, тугатилсин.

Жабрланувчи З.Мухаммадқуловага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар жиний ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Ташпулатов

Аслига тўғри:

